

МИГРАЦИЯ ЖАРАЁНИДА ХАЛҚАРО КАСБ МАЛАКА ТАЛАБЛАРИГА БЎЛГАН ЭХТИЁЖ

**Шакаров Зафар Гаффорович –**

Тошкент шаҳридаги Г.В.Плеханов номидаги  
Россия иқтисодиёт университетининг филиали,  
мустақил тадқиқотчи, и.ф.ф.д. PhD.

**Аннотация:** Ушбу мақолада мамлакатимиздаги миграция жараёни, миграция жараёни келтириб чиқарувчи омиллар таҳлили, унинг мамлакат иқтисодиётига таъсири, халқаро миграцион касб малака талаблари, бу соҳадаги муаммолар, мигрантларнинг касб малака талабларга эҳтиёжини аниқлаш бўйича муаммо ва ечимлар таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** Меҳнат миграцияси, мамлакатнинг иқтисодий ривожланганлик даражаси, капитал ҳаракати, малакали ходимлар чиқиб кетиши, миграция халқаро касб малака талаблари.

НЕОБХОДИМОСТЬ МЕЖДУНАРОДНЫХ ПРОФЕССИОНАЛЬНЫХ КВАЛИФИКАЦИОННЫХ ТРЕБОВАНИЙ В ПРОЦЕССЕ МИГРАЦИИ

**Шакаров Зафар Гаффорович -**

Научный соискатель, Ташкентский Филиал  
РЭУ им. Г.В. Плеханова, д.ф.э.н. PhD

**Аннотация:** В статье анализируется процесс миграции в стране, анализ факторов, вызывающих миграционный процесс, его влияние на экономику страны, потребность в международных миграционных навыках, проблемы в этой сфере, проблема определения потребностей мигранты за профессиональные навыки.

**Ключевые слова:** трудовая миграция, уровень экономического развития страны, движение капитала, отток квалифицированных рабочих, международные квалификационные требования миграции.

THE NEED FOR INTERNATIONAL PROFESSIONAL QUALIFICATION REQUIREMENTS IN THE MIGRATION PROCESS

**Shakarov Zafar Gafforovich -**

Doctor of Philosophy PhD. Research Applicant,  
Russian Economic University named after G.V. Plekhanov

**Abstract:** This article analyzes the process of migration in the country, the analysis of the factors that cause the migration process, its impact on the country's economy, the need for international migratory skills, problems in this area, the problem of determining the needs of migrants for professional skills.

**Key words:** labor migration, the level of economic development of the country, the movement of capital, the outflow of skilled workers, the international qualification requirements of migration.

**Кириш.** Меҳнат бозори ва касб-хунар таълими тизимининг барқарор номутаносиблиги шароитида алоҳида мамлакат ёки минтақалар бўйича меҳнат ресурсларининг самарасиз касбий-малакавий тузилмаларини такрор ишлаб чиқиш, шунингдек, иқтисодий ва ижтимоий туб ўзгаришларни амалга ошириш зарурлигини англаб етиш, касбий таълим соҳасида давлатнинг тартибга солиш механизмларини такомиллаштиришни тақозо этади. Касбий таълим соҳасида давлат сиёсатининг бош мақсади ҳар бир шахснинг билим олиш эҳтиёжларини ҳамда иқтисодиёт ва ишлаб чиқаришни малакали мутахассислар билан таъминлаш бўйича талабини қондиришдан иборат.

Меҳнат миграциясининг келиб чиқиш сабаблари ва ўз навбатида унинг мамлакат иқтисодиётига ижобий ва салбий таъсирлари билан боғлиқ бўлади. Миграция омиллари деганда

меҳнат ресурсининг бир жойдан иккинчи жойга ўтиши учун сабаб бўладиган обектив ва субектив шарт-шароитлар тушунилади. Меҳнат миграциясига таъсир этувчи омилларни иккита катта гуруҳга, яъни иқтисодий ва ноиқтисодий омилларга ажратиш мумкин. Бунда иқтисодий омиллар қуйидагича тартибда таснифланади:

- мамлакатнинг иқтисодий ривожланганлик даражаси, яъни меҳнат ресурси ўзи яшайдиган мамлакатларига нисбатан анча иқтисодий юксалган давлатларга кўчиб кетишига интилади;

- мамлакат меҳнат бозорининг ҳолати ёки бошқача айтилса, кам ривожланган ва аҳоли сонининг зичлиги оқибатида ишсизлар бошқа давлатга иш излаб қолишади;

- иқтисодиётнинг эркинлаштирилиши натижасида халқаро муносабатлар йўлга қўйилиб меҳнат ресурслари алмашилиши юзага келади;

• капитал ҳаракати, яъни капитал олиб кириш ёки олиб чиқиш натижасида капитал билан бирга малакали ходимларнинг ҳам миграцияси содир бўлади.

Ноиқтисодий омилларга эса қуйидагилар киради:

- сиёсий-ҳуқуқий омиллар;
- миллий омиллар;
- диний омиллар;
- ирқий омиллар;
- оилавий муносабат омиллари.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида: "...асосий меҳнат ресурслари яшайдиган ва иш ўринлари яратилаётган ҳудудларимиз ўртасида тафовут мавжуд. Бининг ечими миграциядир" дея таъкидлаган[1].

Ҳозирги вақтда миграция жараёнларида меҳнат миграцияси ҳал қилувчи роль ўйнамоқда. Жаҳонда глобаллашув, халқаро меҳнат тақсимотининг тобора чуқурлашиши ва кенгайиб бориши меҳнат миграциясини ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг энг муҳим омилига айлантирди. Шунинг учун миграция бўйича Халқаро Миграция Ташкилоти (ХМТ) миграцияни "ҳар бир мамлакат ва минтақа ижтимоий ва иқтисодий ҳаётининг ҳал қилувчи, муқаррар ва ижобий таркибий қисми"[2], деб баҳолаган.

#### Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили.

Америкалик иқтисодчи олимлар С. Девис ва Ж. Холтивангернинг ҳисоблашларига кўра, меҳнат миграцияси омилларини икки гуруҳга таснифлаш мумкин[3]:

1. Миграция жараёнида меҳнат ресурсининг индивидуал имкониятлари билан боғлиқ омиллари:

- касбий ўсиш;
- малака даражасининг етарлилиги ёки ортиқчалиги;
- меҳнат фаолиятдан қониқиш ҳосил қилинмаслик;
- тураржойни ўзгартириш;
- таълим муассасидаги ўқишни тугаллаш;
- пенсия ёшига етиш ва ҳ.к.лар.

2. Бу янги меҳнат бозорларининг пайдо бўлиши ёки мавжудларининг барбод бўлиши билан боғлиқ. Яъни:

- иқтисодиёт тармоқлари ва корхоналарнинг модернизация қилиниши;
- янги ишлаб чиқариш қувватларининг ишга туширилиши;
- халқаро меҳнат бозорларидаги рақобатнинг кучайиши ёки сусайиши;
- хўжалик юритишда турли ҳудуд ҳамда минтақалардаги тафовутлар ва бошқалар.

Одатда бу жараёнлар умумий иш жойлари сонининг ўзгариши ёки айрим хўжалик юритувчи субъектлар ва алоҳида тармоқлар ўртасида уларнинг қайта тақсимланишига олиб келади. Натижада меҳнат миграцияси иш жойларидаги ўзгаришлар таъсири остида бўлади [4].

Ж. Харрис, М. Тодаро назарияларига кўра эса, ортиқча меҳнат ресурслари имконияти чекланган, ишлаб чиқариш даражалари паст бўлган минтақалардан ривожланган, урбанизациялашган ҳудудларга миграция қилади [5].

Меҳнат бозорининг тавсифи сифатида кадрларга бўлган эҳтиёжни кўриб чиқиш учун ушбу тушунчанинг маъносига аниқлик киритиш даркор. Масалан, К.Ховард ва И.Б.Каширининг ишларида эҳтиёж амалга ошириш имконияти мавжудлигидан қатъи назар истакнинг ёки нимагадир бўлган талабнинг мавжудлиги сифатида тавсифланади [6].

Академик Қ.Х. Абдурахмонов меҳнат бозоридаги талабга қуйидагича таъриф берган: "меҳнат бозоридаги талаб товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш учун иш берувчилар томонидан муайян вақт ва муайян иш ҳақи ҳисобига янги иш жойларини яратиш бўйича муносабатларни шакллантиради" [7]

**Тадқиқот методологияси.** Касб-хунар маълумотли кадрлар бўйича меҳнат ресурсларига бўлган эҳтиёжни таҳлил қилиш, прогнозлаштириш ва таълимни режалаштиришга асосланган усуллардан фойдаланилди. Иқтисодий жараёнларни бошқаришда прогнозлаштириш усулларини қўллаш муҳим аҳамият касб этади. Мамлакат ёки унинг алоҳида бир ҳудуди иқтисодиёти учун касб-хунар маълумотли кадрлар тайёрлашни прогноз қилиш мураккаб жараёнлардан бири ҳисобланади. Касб-хунар маълумотли кадрларга бўлган эҳтиёжни прогнозлаштиришда экстраполяция ва мақсадли усуллардан ҳам фойдаланилади. Экстраполяция усулида объект ҳолати юзага келган тенденциялар тизимида у қандай бўлиши лозим эканлигидан келиб чиққан ҳолда кўриб чиқилади ва ифодаланади. Бу ҳолатда объект динамик равишда келажакка кўчиб ўтади. Бунда экстраполяция прогнозлари ушбу тенденциялар ва қонуниятлар ҳаракатининг объектив тавсифини ифодалайди.

**Таҳлил ва натижалар.** Меҳнат миграциясида меҳнат ресурсларининг ҳаракатчанлиги мезони ҳам ҳисобга олинади. меҳнат ресурси ҳаракатчанлиги меҳнатга лаёқатли аҳолининг муайян турдаги меҳнат фаолиятини муайян жойда бажаришга қодирлиги ва тайёрлиги билан белгиланади. Унинг ижтимоий-касбий ва ҳудудий хусусиятлари мавжуддир. Мазкур жиҳатларни қуйидагича гуруҳлаш мумкин (1-жадвал):

**Меҳнат миграциясида меҳнат ресурслари ҳаракатчанлиги омиллари**

№	Ҳаракатчанлик омиллари	Ижтимоий-касбий ҳаракатчанлик	Худудий ҳаракатчанлик
<b>1. Кўчишнинг зарурийлиги</b>			
1.	Жорий ҳолат	Иш ҳақи, меҳнат шарт-шароити, меҳнат мазмуни, иш вақти	Турмуш даражаси, ижтимоий инфратузилма, тураржой
2.	Яхшилаш имконияти	Хизмат соҳасида юқори кўтарилиш эҳтимоли	Тураржой шароитлари яхшиланиши эҳтимоли
3.	Қилинган сарфлар	Мазкур ишга қилинган сарфлар	Уйга, квартирага қилинган сарфлар
<b>2. Янги иш жойининг мақбуллиги</b>			
1.	Янги жойдаги ҳолат	Иш ҳақи, меҳнат шарт-шароитлари, меҳнат мазмуни, иш вақти	Турмуш даражаси, ижтимоий инфратузилма, тураржой
2.	Янги иш жойидаги имконият	Хизмат соҳасида юқори кўтарилиш эҳтимоли	Тураржой шароитларини яхшилаш эҳтимоли
3.	Қилинган сарфларнинг сақланиб қолиши	Қилинган сарфлардан янги иш жойида фойдаланиш имконияти	Тураржойни алмашиши имконияти
<b>3. Ҳаракатчанликнинг осонлиги</b>			
1.	Объектив хусусиятлар	Ходимнинг малакаси, тажрибаси, ёши ва шу кабилар	Ходимнинг малакаси, тажрибаси, ёши ва шу кабилар
2.	Субъектив хусусиятлар	Янги иш жойига мослашишнинг осонлиги	Янги яшаш жойига мослашиш-нинг осонлиги
3.	Ўзгариш даражаси	Функциялардаги фарқ	Турмуш тарзидаги фарқ
4.	Кўчиш сарфлари	Янги фаолиятни ўзлаштириш харажатлари	Кўчиб ўтиш харажатлари
<b>4. Хабардорлик</b>			
1.	Бўш иш ўринлари тўғрисида ахборот борлиги	Бўш иш ўринлари тўғрисидаги ахборот	Кўчиб юришнинг эҳтимоллиги ва бориладиган жойлар тўғрисидаги ахборотлар
2.	Ахборот қиймати	Бўш ўринлар тўғрисида ахборот олиш қиймати	Турли минтақаларда ахборот олиш сарфлари
3.	Ахборотнинг ишончлилиги	Бўш ўринлар тўғрисидаги ахборотнинг ишончлилиги	Минтақалар тўғрисидаги ахборотнинг ишончлилиги

*Мабна:* илмий изланишлар натижасида муаллиф томонидан такомиллаштирилди.

Меҳнат миграциясида донор мамлакатлар (меҳнат ресурсини экспорт қилувчилар) ҳамда реципиент мамлакатлар (меҳнат ресурсини импорт қилувчилар) фарқланади. Меҳнат миграцияси реципиент мамлакатнинг меҳнат ресурсига бўлган эҳтиёжини таъминлайди, донор мамлакатларда эса иқтисодий фаол аҳолини эса иш билан бандлик даражасини оширишга хизмат қилади.

Меҳнат бозорини баҳолаш меҳнат органи, статистика идоралари, миграция хизматлари, иш берувчилар уюшмаси, касаба уюшмалари ҳамда барча манфаатдор уюшмалар билан ҳамкорликда таълимни бошқариш органлари томонидан олиб борилади. Шундай қилиб, механизм меҳнат органлари кўмаги остида ўрнатилса ҳам, таълимни бошқариш органларига катта масъулият юклатилади. Фикримизча, шу каби статистика таҳлили ва прогнозини таълимни бошқариш органлари билан бирга меҳнат органлари ҳамда бошқа манфаатдор уюшмаларнинг кучи ва мутахассислари ёрдамида амалга ошириш мақсадга мувофиқ. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан малакали меҳнат ресурсига эҳтиёжларни прогнозлаштиришда

ҳисобга олиш зарур бўлган меҳнат бозорининг худудий ва тармоқ хусусиятларини тавсифловчи умумлаштирилган кўрсаткичларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- аҳолининг минтақа ва иқтисодиёт тармоқлари бўйича иш билан бандлиги;
- меҳнат ресурслари таклифи, шу жумладан ишсизлар; меҳнат ҳаётини энди бошлаганлар; танаффусдан сўнг меҳнат фаолиятини янгидан бошлаганлар;
- қўшимча иш ўринлари сони ва меҳнат ресурсининг қўнимсизлиги сабабли пайдо бўлган бўш иш ўринлари сони ҳақидаги маълумотлар асосида аниқланувчи меҳнат ресурсига талаб.

Пировардида касбий-малакавий миқёсда ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасидаги ўзаро боғлиқлик аниқланади. Бунда меҳнат бозоридаги мавжуд меҳнат ресурсининг сифатли таркиби, янги уни тайёрлаш ҳажми ва тузилмаси, шунингдек банд бўлмаган аҳолини қайта тайёрлаш каби кўрсаткичлар ҳисобга олинади.

Айтиш жоизки, касб-малака миқёсида мамлакат иқтисодиётининг эҳтиёжлари бўйича комплекс прогнозлар мавжуд эмас. Бу эса кадр-

ларни тайёрлаш бўйича давлат буюртмаларини шакллантириш амалиётда фақатгина номинал тарзда бажарилаётганлигини кўрсатади. Айни вақтда амалдаги кўриб чиқилган минтақавий моделда ўрта махсус маълумотли ишчилар ва мутахассисларни тайёрлаш бўйича давлат буюртмаларини шакллантириш бўйича энг катта оғирлик таълим муассасаларининг ўзига тушмоқда. Тан олиш лозимки, амалдаги механизм, айни вақтда, меҳнат бозори ва таълим хизматлари бозори билан ўзаро боғлиқлигидаги номутаносибликни бартараф этиш учун самарали восита бўла олмади, шунинг учун бу борадаги масалаларни такомиллаштириш тобора долзарб бўлиб бормоқда.

Миграциянинг халқаро касб малака талаблари ҳар давлатнинг ўз белгиланган тартиби асосида амалга ошади. Хорижий давлатларнинг кўпчилиги мигрантнинг тил билиш қобилияти юқорилигини маъқуллайди. Мигрантларга ХМТ томонидан қўйиладиган асосий талаблар қўйидагилардир[8]:

- ёш кўрсаткичлари (18-49 ёшгача бўлган фуқороларни қабул қилади);
- тил билиш кўрсаткичи (бораётган давлат талаби асосида белгиланади);
- иш стажи (иш стажига эга бўлганлик маъқулланади);
- таълим кўрсаткичлари (ўрта, ўрта-махсус, олий);
- оилавий ҳолати;
- жисмоний ва руҳий ҳолатлари кўрсатилган бўлиши лозим.

2018-йил 1-сентябрдан Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтган юридик шахслар: Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан бериладиган лицензия асосида Ўзбекистон Республикаси фуқароларини хорижда ишга жойлаштириш бўйича, Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигида аккредитациядан ўтиш асосида, хорижда меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун кетаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг касбий малакасини, жумладан, касбий кўникмаларга эга бўлиш ва хорижий тилларни билиш даражасини тасдиқлаш борасидаги фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эга[9] деб белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи фуқароларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низоми иловасида, “Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи фуқароларни қўллаб-қув-

ватлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш жамғармаси маблағларининг тасдиқланган йўналишларга мувофиқ сарфланишини ташкил этиш схемаси” тасдиқланган бўлиб, унинг бешинча олтинчи бандларида хорижда меҳнат қилиш истагида бўлган фуқароларни касбга ўқитиш, хорижий касб-малака талабларига жавоб берадиган кадрлар жўнатиш бўйича қўйидаги ишлар амалга оширилиши кўзда тутилган[13].

- кетишдан олдин мослаштириш, касбга тайёрлаш, ўқитиш ва чет тилларни билишини синаш марказларини ташкил этиш, жиҳозлаш ва таъминлаш, меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун хорижга жўнаб кетаётган фуқароларнинг касбий малакасини тасдиқлаш.

- «labor-migration» дастурий мажмуасида рўйхатдан ўтган, хорижий тиллар ёки касбларга ўқиган ва уюшган ҳолда танлаш тартибида меҳнат миграциясига кетаётган фуқароларга хорижий тиллар ёки касб бўйича муваффақиятли топширилган малака имтиҳони харажатларини тўлаб бериш, хорижга кетиш учун йўл транспорт чиптасини харид қилишга компенсация тўлаш тартиби белгиланган.

Координация ва ташкиллаштириш нуқтаи назаридан ушбу вақт ва маконда ажралиб турадиган жуда кўп фаолиятлар амалга оширилган. Мигрантларни уй эгаларига қўшилишни ташкил қилиш миграция ва бошқарувни ҳамда ташкилотнинг тадқиқотчилари ва бошқа кўплаб фанлардан сабоқ олувчиларни соғлиқни сақлаш фанлари, антропология, ахборот технологиялари, социология, таълим фанларидан ҳуқуқшунослик ва инсон ҳуқуқларига жалб қилишни талаб қилади. Бу амалиётларнинг жаҳон миқёсидаги миграция ва ижтимоий-иқтисодий интеграцияни самарали ташкил этиш борасида амалиётга жорий этилиши, мигрантларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда ўзини ўзи ҳимоя қила олади.

Ҳозирда аҳолининг халқаро миграцияси глобаллашди. БМТнинг 2019 йил Иқтисодий ва ижтимоий масалалар бўйича департаменти маърузасида келтирилишича, бугун дунё бўйлаб мигрантлар сони 250 миллионга етган. 2050-йилга бориб бу рақам 321 миллионга етган. Эътиборлиси, унинг 30 фоизи 29 ёшгача бўлган ёшлар ҳиссасига тўғри келади[10].

Республикада доимий аҳолининг 49,4 фоизи қишлоқ аҳолисининг улушига тўғри келади. 2021 йил ҳолатига кўра, Ўзбекистонда меҳнат ресурслари сони 19158,2 минг кишини ташкил этиб, унинг 8716,8 минг нафари ёки 46,7 фоизи қишлоқ жойларида яшайди. Республикадаги ишсизларнинг асосий қисми (73,4 фоизи) қишлоқ жойларига тўғри келади[11].

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан Корея Республикаси Бандлик ва меҳнат вазирлиги ўртасида имзоланган “Бандликка рухсат бериш тизими бўйича меҳнат ресурсини Корея Республикасига юбориш тўғрисида”ги Меморандумга асосан ишлар давом этмоқда.

Чет элга кетаётган фуқароларни жўнаб кетишдан олдинги мослаштириш ва ўқитиш марказида томонидан Корея Республикасига меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун кетувчи номзодларни меҳнат шартномаси келгандан сўнг қисқа муддатда Корея Республикасига кириб боришини таъминлаш мақсадида 2017 йилдан бошлаб 86 соатлик ўқув дастури 62 соатга ва ўқиш жараёни 10 кундан 7 кунга қисқартирилди. Қисқартиришлар натижасида ўқув жараёни қуйидагича белгиланди:

Корейс тили ва маданияти мавзусида ўқув соати - 45 соат;

ОИВ-инфекцияси ва бошқа жинсий алоқа йўли орқали юқадиган касалликларни юқтириб олиш хавфи муаммолари мавзусида ўқув соати - 7 соат;

“Меҳнат мигрантлари орасида диний экстремизм ва миссионерлик ҳолатларини олдини олиш” дарс машғулоти - 4 соат;

“КОИСА” ўзбек-корейс лойиҳаси доирасида ташкил этилган Тошкент шаҳридаги Касб-хунарга ўқитиш маркази базасида меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги бўйича амалиёт ўтказиш - 6 академик соатдан иборат бўлди[12].

Ташқи меҳнат миграция масалалари агентлиги қошида Чет элга кетаётган фуқароларни жўнаб кетишдан олдинги мослаштириш ва ўқитиш маркази фаолият кўрсатмоқда. Марказ номзодни ишга юборилаётган мамлакат қонунчилиги, тили, урф-одатлари, меҳнат фаолияти олиб бориладиган корхона ёки ташкилотлардаги техника ҳавфсизлиги, санитария-гигиена қоидалари билан таништириш, хориждаги иш берувчи талабига кўра тиббий кўриқдан ўтказишни ташкил қилиш масалалари билан шуғулланади.

Қонуний асосда меҳнат қилиш чет элда ишловчилар ҳуқуқларини кафолатлашнинг муҳим шартидир. Ўзбекистон халқаро меҳнат бозорининг тўлақонли аъзоси сифатида ушбу глобал жараёнлардан четда қолгани йўқ. Конституциямизда меҳнат ҳуқуқи, ҳаракатланиш эркинлиги мустақамлаб кўйилган. Шу сабабли фуқароларимиз хорижга ишлаш, тажриба орттириш учун чиқишга ҳақлидирлар.

**Хулоса ва таклифлар.** Ҳозирги кунда ёш меҳнат ресурси таклифига нисбатан касб-хунарга таълими ривожланиши ва касбий-малакавий

тузилманинг шаклланишида қуйидагилар устувор ҳисобланади:

- касбий таълим ривожланишининг тезкорлиги, иқтисодиётга муносабатлар бўйича ёш меҳнат ресурсларининг касбий-малакавий тузилмасини шакллантириш;

- аҳолининг таълимга нисбатан индивидуал эҳтиёжлари ва мамлакат иқтисодиёти манфаатлари ҳисоб-китобининг бир вақтда олиб борилиши;

- касбий таълим ва аҳолининг иш билан бандлиги соҳасида мажбурият ва ваколатларнинг аниқ белгиланганлиги;

- корхона ва касб-хунарга таълим муассасалари ўртасида мустақам алоқаларни ўрнатиш ва ҳ.к.

Касб-хунарга таълим муассасаларида малакали кадрларни тайёрлаш тузилмаси меҳнат ресурсига талабнинг касбий-малакавий тузилмаси билан максимал равишда мослиги ҳамда аҳолининг иш билан бандлиги соҳаси ва таълим тизими ўртасида ўзаро самарали муносабатларга қуйидагилар асосида эришиш мумкин:

1. Таълим тизими, аҳолининг иш билан бандлиги соҳаси ва уларнинг ўзаро боғлиқлигини ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан бошқаришни такомиллаштириш.

2. Меҳнат бозорини таҳлил қилишнинг касб-хунарга маълумотли малакали ишчи ва мутахассисларни тайёрлаш бўйича минтақавий буюртмаларни прогноз қилиш ва режалаштириш имконини берувчи унификациялашган услубиятини яратиш.

3. Кадрларни тайёрлаш бўйича минтақанинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши бўйича дастурлари ҳамда иш берувчиларнинг реал ва прогноз қилинган эҳтиёжларига асосланган ҳолда давлат буюртмаларини шакллантириш услубиятини яратиш ва амалда қўллаш.

4. Таълим муассасаларида ишчи-кадрлар ва мутахассисларни тайёрлашнинг сони ва соҳасини доимий тарзда тўғрилаб бориш.

5. Фаолият юритаётган касб-хунарга таълими муассасаларида малакали ишчи-кадрлар ва мутахассисларни тайёрлаш бўйича номуносивлик ва ноўрин бир хилликни бартараф этиш.

6. Иш билан таъминлашнинг мукамал мониторинги ва касб-хунарга коллежлари битирувчиларининг яқин келажакда меҳнат фаолиятига мослашувчанлигини ташкил этиш.

7. Корхона ва ташкилотларга ўз эҳтиёжларини аниқлаб олишда кадрлар сиёсатини прогноз қилиш борасида ёрдам бериш.

8. Таълимни бошқариш муассасаларининг меҳнат идоралари, иш берувчилар, касба уюшмалари, ёш меҳнат ресурсларига таклифнинг самарали тузилмасини шакллантиришга қизиққан бошқа шу каби ижтимоий ҳамкорлар билан

бирга шериклик муносабатларини ривожлантиришни рағбатлантириш.

9. Тақчил касблар, мутахассисликлар ва уларга эришиш имкониятлари, минтақа иқтисодиётини ривожлантириш прогнозлари, давлат дастурларининг бажарилиши, ушбу дастурларда иштирок этиш шартлари ва уларнинг келгусида амалга оширилиши тўғрисидаги ишончли маълумотлардан иборат ягона ахборот маконини шакллантириш. Касб-хунар таълими тизимини ислоҳ қилишнинг барча босқичлари ёрдамида кўриб чиқилган тадбирларга асосланиб, меҳнат бозорида мавжуд касбларга оид номутаносибликнинг камайиши, касбий-малакавий нуқтаи назаридан меҳнат бозорининг таълим хизматлари бозори билан тобора яқинлашиши рўй

беради. Касбий таълим тизимининг яратилиши, бир томондан мамлакат ва ҳудудларнинг малакали ишчи ва мутахассисларга бўлган асосий эҳтиёжлари, иккинчи томондан эса ҳар бир шахснинг таълим олишга бўлган эҳтиёжини тўлиқ қондириши мумкин.

Шундай экан, меҳнат ресурсига бўлган тақлифнинг шундай касбий-малакавий тузилмасини шакллантириш керакки, у иқтисодиётнинг ўрта махсус маълумотли малакали ишчи-кадрлар ва мутахассисларга бўлган эҳтиёжини янада тўлиқроқ қондиришини таъминласин, бунда касбий таълим масаласини – иқтисодиётнинг кадрлар салоҳиятини такомиллаштириш масалаларини ҳал этишда муҳим омил сифатида кўриб чиқилиши керак.

**Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ш.М. Мирзиёев 2020 йил 24 январда Олий Мажлисга Мурожаатномаси. УзА.уз – Ўзбекистон Республикаси ахборот агентлиги расмий веб сайти.
2. Annual Report of the Certification Officer for 2007-2008. – P.2. // <http://www.un.org>.
3. Г.Қ.Абдурахмонова “Кичик бизнесда аҳолини иш билан таъминлаш” монография Т.: 2013 й.
4. Davis S., Haltiwanger J. Measuring Gross Worker and Job Flows: NBER Working Paper. N5133. 1995. P.1.
5. Harris J., Todaro M. Migration, unemployment, and development: a two-sector analysis // American Economic Review. 1970, № 60. –P.126-142.
6. Ховард К. Экономическая теория: Учебник для вузов. - М.: Банки и Биржи, ЮНИТИ, 1997. – С.41.; Каширина И.Б. Определение потребности в специалистах с высшим профессиональным образованием на рынке труда Амурской области. Автореферат дисс. На соискание ученой степени канд. экон. наук: 08.00.05 / Хабаровск, 2004 г. – С.17.
7. Абдурахмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти: назария ва амалиёт. Дарслик. Қайта ишланган ва тўлдирилган 3-нашри. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси “FAN” наشريёт давлат корхонаси, 2019. – 140-б.
8. [https://ec.europa.eu/knowledge4policy/organisation/iom-international-organization-migration\\_en](https://ec.europa.eu/knowledge4policy/organisation/iom-international-organization-migration_en) - Халқаро меҳнат ташкилоти веб саҳифасидан
9. [www.lex.uz](http://www.lex.uz) – Қонун ҳужжатлари миллий базаси
10. <http://www.un.uz/ozb/pages/display/about-un> - БМТнинг Ўзбекистондаги вакиллиги расмий веб сайти
11. [www.stat.uz](http://www.stat.uz) – Ўзбекистон республикаси Давлат Статистика бошқармаси
12. <http://old.mehnat.uz/cyrl/mintrud/functions/52>
13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018-йил 12 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси фуқароларини хорижда уюшган ҳолда ишга жойлаштириш тизимини янада такомиллаштириш ва тубдан қайта кўриб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори

**РАҚАМЛАШТИРИШНИНГ МЕҲНАТ БОЗОРИДАГИ ТАЛАБ ВА ТАКЛИФГА ТАЪСИРИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ**

**Қодиров Шухрат Мунавварович -**  
Плеханов номидаги Россия Иқтисодиёт  
университети Тошкент филиали илмий изланувчиси

**Аннотация.** Технологик ўзгариш мамлакат иқтисодиётининг институционал тизимида ўзгаришларга олиб келади, бу эса техника ва технологияларни янги усул билан ривожлантиришни таъминлайди. Хорижий тадқиқотларда иқтисодиётни рақамлаштиришнинг меҳнат бозорига таъсири ҳақида мунозаралар мавжуд. Рақамлаштиришнинг иқтисодиёт ва меҳнатга таъсири таърифлаш ёки таҳмин қилишга уринаётган барча моделлар доимий тадқиқот ва таҳлилларда бўлиб, олимлар ва экспертларнинг фикри рақамлаштиришнинг аҳоли фаровонлигига таъсири бўйича икки қарама-қарши фикрга бўлинади. Тезлик билан кенг тарқалаётган янги рақамли технологияларнинг жорий этилиши касблар (мутахассисликлар) хариталари ва касбий билим ва кўникмалар тўпламларининг ўзгаришини тақозо этади. Бу касб-хунар таълими тизимини, биринчи навбатда, олий техник таълимни такомиллаштириш зарурлигини белгилайди.

**Калит сўзлар:** рақамлаштириш, меҳнат бозорида талаб ва тақлиф, бандлик, технологик тузилма.